

УСУЛ АЛ-ФИҚҲ ИЛМИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

Абдувоҳид Аҳмадалиев Маҳаматазимович

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Фатво маркази мутахассиси,

Имом Бухорий номли Тошкент Ислом институти ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10884841>

Аннотация. Ушбу мақолада усул ал-фиқҳ тушунчаси, унинг таърифи ва шариатнинг тўғри талқин қилишда фақиҳларининг халқ орасида тарқалишида кўрсатган хизматлари, шариат ҳақида турли фақиҳларнинг фикрлари келтириб ўтилади ва энг тўғри фикрни илмий асослар билан далиллаб берилганлиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Шариат, Аҳли шаръ, Абу Ҳанифа, ҳанафия, Ҳуқуқ терминологияси, мужтаҳид, фақиҳ, Куръон, Сунна

Фиқҳ илмининг асосини ташкил этувчи *усул ал-фиқҳ* (фиқҳ асослари) илми шаръий ҳукмларни¹ қабул қилишда асосий вазифани ташкил этади. У VIII асрдан бошлаб мустақил фан сифатида шаклланди ва фақиҳлар томонидан зўр қизиқиш билан ўзлаштирила бошланди. Ушбу даврга қадар у фиқҳ илмининг бир қисмини ташкил қилар эди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, фиқҳ ва *усул ал-фиқҳ* илмларининг энг гуллаб яшнаган давлари IX-XIV асрларга тўғри келиб, бу даврда Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан йирик фақиҳлар Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Иброҳим аш-Шоший (ваф. 325/937 й.), Абу 'Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ аш-Шоший (ваф. 344/956 й.), Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий (ваф. 333/944 й.), Абу Бакр Муҳаммад ибн 'Али ибн Исмо'ил ал-Қафқол аш-Шоший (ваф. 366/976 й.), Абу ал-Лайс ас-Самарқандий (ваф. 375/985 й.) Бурҳон ад-дин ал-Марғилоний (ваф. 593/1197 й.), Абу Зайд ад-Дабусий (ваф. 430/1038 й.) Шамс ал-аимма ас-Сарахсий (ваф. 500/1106 й.) ва бошқа шу каби йирик фақиҳлар мазкур соҳа ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Усул ал-фиқҳ фани олимлари мазкур илмга таъриф беришда икки қисмга бўлинадилар:

1- У икки илмдан таркиб топган (*усул ва ал-фиқҳ*) илмдир.

2- У мустақил фан бўлиб унинг ўзи баҳс юритадиган алоҳида мавзулари мавжуд².

Демак, ушбу фан ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун мазкур таърифларнинг ҳар иккисига ҳам алоҳидадан тўхталиб ўтиш лозим бўлади. *Усул ал-фиқҳ*ни икки илм маҳсули деб қаровчилар берган таърифни тушуниш учун мазкур икки илмни алоҳида-алоҳида таърифлаб ўтиш лозим.

"Усул" сўзининг луғатдаги маъноси асос ва пойдевор маъноларида келувчи "асл" сўзининг кўплиги бўлиб мазкур сўзни ҳар бир нарсанинг аслига нисбатан ишлатилади. Усул сўзини шаръий истилоҳда бир қанча маъноларда ишлатилади ва улар орасида энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Шаръий далил масалан: Рамазон ойида рўза тутишнинг фарзлигига ушбу оят асл (шаръий далилдир) **أَفَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ** "Ким сизлардан рамазонни ойини кўрса,

¹ Шарий ҳукмлар – ислом динида шариат томонидан белгиланган қонун ва қоидалар масалан: фарз, вожиб, суннат ва ҳоказо.

² Аҳмад ал-Ҳажжий ал-Курдий. Бухус фи илм усул ал-фиқҳ. – Кувайт: Масодир ат-ташриъ ал-исломий, 2006. – Б.6-10. (бундан кейин: ал-Ҳажжий).

бас рўза тутсин" (бақара: 185) .

2. Устун келувчи (рожих), масалан: "Қуръон ва суннат қиёс ҳамда ижмо'ларга аслдир" дейилади яъни улардан устундир маъносида.

3. Қонун, мисол учун: "зарарни даф' этиш зарур деган аслга кўра" дейилганда шаръий қонунлардан бирини тушинилади.

4. Муносиб ҳолат, масалан: "ҳар бир нарсадаги асл унинг поклигидир" жумласидаги "асл" сўзи "ҳар бир нарсадаги муносиб ҳолат" маъносида ишлатилади.

Аммо усул *ал-фиқҳ* олимлари асл сўзини биринчи бандда зикр этилган далил маъносида истеъмол қиладилар. Шунга кўра "усул *ал-фиқҳ*" нинг маъноси "фиқҳ далиллари" дегани бўлиб, усул *ал-фиқҳ* олимлари уларни фиқҳ фани ўрганувчи тафсилий далилларга эмас, балки ижмолий далилларнинг ўзигагина қисқартирганлар. Ижмолий ва тафсилий далиллар ҳамда улар орасидаги ўзаро фарқларга эса, ўз ўрнида тўхталиб ўтилади.

Фиқҳ сўзи луғатда тушуниш, фаҳмлаш маъноларида келади. Қуръони каримдаги *وَإِخْلُصْ عَقْدَةً مِنْ لِسَانِي يَفْقَهُوا قَوْلِي* (طه: 27-28)

"Тилимдан тутилиб қолишимни кетказ токи, улар менинг сўзимни фаҳмласинлар" (Тоҳа: 27-28) оятларидаги каби.

Фиқҳнинг шаръий истилоҳдаги маъноси. Абу Ҳанифа (р.х.) фиқҳ сўзига қуйидагича таъриф берганлар: *(الفقه معرفة النفس ما لها و ما عليها)* "Фиқҳ киши ўзининг ҳақ ва мажбуриятларини билмоғидир". Бироқ ушбу таъриф ичига ақидавий ҳукмлар ҳам кириб кетади. Аслида эса, улар кўпчилик фақиҳларга кўра, фиқҳнинг мавзуъларидан саналмайдилар. Шунинг учун ҳанафий мазҳаби олимлари фиқҳни таърифлашда ундан ақидавий ҳукмларни чиқариб ташлаш учун юқоридаги таърифга (*عملا*) яъни "амал жиҳатидан" деган сўзни қўшиб айтадилар.

Абу Ҳанифа эса, ақидага доир масалаларни ҳам фиқҳ илмига қўшганлар ва уларни "ал-фиқҳ ал-акбар" яъни "энг катта фиқҳ" деб атаганлар. Шунинг учун у зотнинг эътиқод масалаларига бағишлаб ёзилган китоби ҳам айнан ушбу ном билан аталади³.

Бироқ, кейинчалик фақиҳлар фиқҳни амалий ҳукмларнинг ўзигагина мухтасар қилдилар.

Тафсилий далиллар: Улар фаръий масалаларга оид бўлган жузъий далиллардир. Масалан: Қуръони каримдаги

(إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْقُوتًا) (النساء: 103) "Албатта намоз мў минларга вақтлик фарз бўлди" (Нисо:103) ояти намозни ўз вақтида ўқиш учун тафсилий далилдир⁴.

Ижмолий далиллар: Қуръони карим ҳамда суннати набавийларнинг тўлиқ шакллари дир. Чунки улар муайян фаръий масалаларгагина эмас, балки барча ҳукмларга манба' саналган ҳолларида "Ижмолий далиллар" саналадилар.

Бу икки далил ўртасидаги ўзаро фарқ шуки, ижмолий далиллар маълум бир масаланинг ўзигагина тааллуқли бўлмади, тафсилий далиллар эса, аксинча, тааллуқли бўлади масалан: "Амр (буйруқ) вожиб (лозим) қилиш учундир" дегани ижмолий далилдир чунки у бир ҳолатнинг айнан ўзигагина тегишли бўлмай, балки барча буйруқларга тегишлидир. Масалан: Қуръондаги "Намозни адо этинглар",

³ Низом ад-дин аш-Шоший. Усул аш-Шоший/ Мавлоно Барокатуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Лакнавий шарҳи/ Абу ал-Ҳусайн 'Абд ал-Мажид ал-Мародзиҳий ал-Хоший таҳрири остида. – Димашқ; Дор ибн ал-Касир, 2007. – Б. 7.

⁴ ал-Ҳажжий. – Б. 8.

"Закотни беринглар" ва ҳоказо буйруқларнинг барчаси ушбу амалларни вожиб қилиш учун эканлиги юқоридаги ижмолий далил билан белгиланган. Аммо намозни фарзлигига "Намозни адо этинглар" ояти далилдир дейиш тафсилий далил бўлиб, намоздан бошқа ибодатларни фарзлигини лозим қилиш учун ушбу далилни ишлатиб бўлмайди.

Демак, *усул ал-фиқҳ*нинг вазифаси шариатдаги амалий ҳукмларнинг ижмолий далилларини ўрганиш ва шу орқали тафсилий далиллардан ҳукм чиқариш йўлларини билишдир.

References:

1. Аҳмад ал-Ҳажжий ал-Курдий. Бухус фи илм усул ал-фиқҳ. – Кувайт: Масодир ат-ташриъ ал-исломий, 2006.
2. Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ-ул мақсуд // Мухтасар ул-Виқоянинг шарҳи. 2 жилдда. – Тошкент: «Шарқ», 2015.
3. Низом ад-дин аш-Шоший. Усул аш-Шоший/ Мавлоно Барокатуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Лакнавий шарҳи/ Абу ал-Ҳусайн 'Абд ал-Мажид ал-Мародзиҳий ал-Хоший таҳрири остида. – Димашқ: Дор ибн ал-Касир, 2007.
4. Мустафо ибн 'Абдуллоҳ ар-Румий ал-ҳанафий аш-шаҳир би Хожи Халифа. «Кашф аз-зунун 'ан асмо' ал-кутуб ва-л-фунун». 2 жилдли. – Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981. Ж.2. – Б. 1356, 1283, 1586.
5. Kavakcı Y. Z. XI ve XII Asırlarda Karahanlılar Devrinde Ma vara' al-Nahr İslom Hukukçuları. – Анкара: Sevinç Matbaası, 1976. – XXIV. – Б 322.
6. Аҳмад ибн Мустафо Тошкубризода. Мифтоҳ ас-са'ода ва масобиҳ ас-сийода. 11 жилдли. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-ҳадисийя, 1995. Ж.9. – Б. 248.
7. Мўминов А.Қ. Ҳанафий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тарих фан. докт. дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – Б 26.
8. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 200. – Б. 31-32.
9. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 200. – Б.32.
10. Хидоя. Комментарий мусулманского права. Отв. ред. и авт. вступ. статьи и комментарий А.Саидов. Ташкент: Ўзбекистон, 1994. – 480 с.